

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**ИЛМИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР
АХБОРОТНОМАСИ**



Илмий-назарий, услубий
ЖУРНАЛ

**2005
№ 4
(32)**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ



ИЛМИЙ
ТАДҚИКОТЛАР
АХБОРОТНОМАСИ

БИР ЙИЛДА ОЛТИ
МАРТА ЧИҚАДИ

2005

4

(32)

✱ Илмий-назарий,
услубий журнал

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Бош муҳаррир: Т.Ш. ШИРИНОВ
Бош муҳаррир ўринбосари: М.Қ. ҚОДИРОВ
Масъул котиб: Б.С. ХУДОЙБЕРГАНОВ

ҲАЙЪАТ АЪЗОЛАРИ:

Л.А. Алибеков,	А. Абдусаидов,
Б.Н. Валихўжаев,	И.И. Жуманов,
М.Ж. Жўракулов,	Б.Й. Йўлдошев,
С.Н. Лақаев,	Е.А. Малиновский,
М.К. Муҳиддинов,	К.М. Назаров,
А.М. Насимов,	Н.Н. Низомов,
Ш.Д. Пиримкулов,	К.С. Саидов,
Ш.С. Сафаров,	А.С. Солеев,
Х.Х. Худойназаров,	Ж.Х. Хўжаев,
Б.Х. Хўжаёров,	Н. Шодиев,
Ж.Я. Яхшиликков,	Н.Б. Эшқобилов,
Б.Ў. Ўринбоев,	О.К. Кувондиқов

Самарқанд вилоят ҳокимлиги
матбуот бошқармасида рўйхатдан
ўтиш тартиби 09-025

Журналда берилган мақолалардаги
фикр-мулоҳазалар, факт ва рақам-
лар, иқтибосларнинг тўғрилиги учун
муаллиф масъулдир.

Муҳаррирлар:

Б.Йўлдошев, Б. Худойберганов

Мусахҳих: Т. Теплякова

Техник муҳаррир: Х. Амирдинов

Компьютерда саҳифаловчи:
Ш. Асроров

Муассис: Алишер Навоий номидаги
Самарқанд давлат университети

Манзилимиз: 703004, Самарқанд шаҳри,
Университет хиёбони, 15, Ректорат биноси.
Телефонлар: 31-23-90, 33-34-87 (факс) 33-05-60

СамДУ «Илмий тадқиқотлар ахборотномаси»
журнали таҳририят компютерида терилди. Босишга
10.09.2005 йилда рухсат этилди. Қоғоз ўлчами А-4.
Нашриёт ҳисоб табағи 11. Буюртма рақами 134
Адади 500 нусха. Баҳоси эркин нархда.

СамДУ кичик босмаҳонасида чоп этилди

ФАЛСАФА

Б.Нормуродов. Илм фанни эгаллашда таянч ибораларнинг ўрни ва роли (Тушунчалар социологияси)	3
Д.Баҳриева. Роль ордена Накшбандия в формировании мировоззрения Абдурахмана Джами	7
Р.Қобилов. Ўзбекистонда демократия ривожланишида сиёсий ўзликни англашнинг аҳамияти	9
Ю.Салимов. Тарбия социологик объект сифатида	11
Н.Сафарова. Терроризм: глобаллашуви ва зиддиятлар	16

ТАРИХ

А.Болтаев. Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган иш-хотлар ҳақида	21
Ф.Ж.Санджонов. Мустамлакачилик даврида Туркистондаги илк ярмаркалар ва уларнинг савдо муносабатларига таъсири	25
А.Маликов. Современные подходы к пониманию этничности и формирования идентичности	28
А.Ярқулов. Жанубий Сўғд ёзма манбаларда	32

ҲУҚУҚШУНОСЛИК

З. Қувондиқов. Фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари ва иқтисодиётда мулкдорлар синфини кенгайтириш муаммолари	36
С.Қувватов. Жиноятда иштирокчиликнинг объектив белгилари билан боғлиқ айрим муаммолар	38
Ш. Мустафоев. Фуқаролик ҳуқуқида жавобгарликни қўллаш шакллари	42

ИҚТИСОДИЁТ

Ш.Қувондиқов. Оила хўжалигида тадбиркорликнинг ривожланиш истикболлари	45
--	----

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Ш.Шукуров. Навоийни англаш муаммолари	48
Ҳ.Абсамиев. Ойбекнинг илк ижодидаги услубий изланишлар	51
М.Давронова. Муҳаммад Юсуф ижодида қўшиқ	54

ТИЛШУНОСЛИК

Б.Менглиев. Эгалик категорияси умумий маъносининг воқеланишида сатҳлар ҳамкорлиги	58
Н.Элмуродов. Этноойконимлар хусусида	60
Х.Алиқулов. Ел-ёгин ифодаловчи лексемалар семантикасига доир	63
Г.Адашуллаева. Фразеологизмларнинг қиёсий-типологик ўрганилиши ҳақида	65
О.Латинов. Этимологическая интерпретация некоторых ФЕ русского языка	68

ПЕДАГОГИКА ва ПСИХОЛОГИЯ

Н. Шодиев. Бошланғич математика таълимида ўқитиш натижаларини баҳолаш	71
Ў. Ўтанов. Талабалар маънавиятини шакллантириш – долзарб муаммо сифатида	77
А.Бекмуродов. Бўлғуси ўқитувчиларни ижтимоий касбий-педагогик тажрибага тайёрлаш	82
Ҳ. Буриев. Ўқувчиларда экологик ҳислатларни ривожлантиришда тасвирий санъат дарсларининг ўрни	85
Р. Самаров. Ҳарбий - хизматчи хотин - қизлар фаолиятининг ижтимоий жиҳатлари	87
М.Нормуродова. Ўзбекистонда ислохотлар жараёнида илмий дунёқарашни шакллантириш масалалари	91

ҚУТЛОВ

Б.Йўлдошев, А.Абдусатторов. Самарқанд тилшунослик мактабининг йирик вакили	95
--	----

ХОТИРА

Академик Ботурхон Валихўжаев	97
Б. Ўринбоев. Улуғ Турсунов ва ўзбек тилшунослик фани.	98
Муаллифлар ҳақида маълумот	100

12. Orywal E. Ethnicity – conceptual and methodological considerations. // Colloques internationaux Le Fait Ethnique En Iran et en Afghanistan. Paris, 1988.
13. Tishkov V., Soklovskiy V., // Encyclopedia of Social and cultural anthropology. Edited by Alan Barnard, Jonathan Spencer. London and New York, 1996.
14. Vermeulen H., Govers C., Introduction. // The anthropology of ethnicity. Beyond ethnic groups and boundaries. Hel Spinhuis, 1994.

ЖАНУБИЙ СЎҒД ЁЗМА МАНБАЛАРДА

А.Яркулов

Резюме

Статья посвящена исследованию эпохи Южного Согда на основе древних письменных источников, рисунков на камне, сведений китайских и арабских путешественников древнего мира. Богатый материал дал возможность автору подробно рассказать об исторической географии эпохи Южного Согда.

Resume

In this article author triode to show the written resources of Southern Sogd. This resources are historical resources which were written in ancient and middle ages.

Марказий Осиёнинг қадимий тарихий вилоятларидан бўлган Сўғд ҳудуди кўп асрлик тарихга эгалиги билан ажралиб туради. Бу вилоятнинг бир қисми ҳисобланган Жанубий Сўғд тарихининг узоқ ўтмишга эга эканлиги, кизиқарли воқеаларга бойлиги билан муҳим аҳамият касб этади. Албатта, Жанубий Сўғднинг тарихини, сиёсий тузуми, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳамда маданиятини ўрганишда ёзма манбалар салмоқли ўрин эгаллайди. Бу ёзма манбаларни бир неча гуруҳга бўлиб, шу асосда Жанубий Сўғд тарихини ёритиш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Жанубий Сўғд тарихига оид энг қадимги ёзма манбалар. Зардуштийларнинг муқаддас китоби «Авесто», аҳамонийлар сулоласи подшоҳларидан бўлган Доро I нинг «Беҳустун» қоятошига ёзилган ёзувлари, Накши Рустам ёки бошқа шу каби ёзув намуналарини мисол келтириш мумкин. (История Узбекистана в источниках, 1984, с. 6-24).

Авестонинг энг қадимги қисми бўлган Готларда, эр.авв. 5-асргача бўлган даврдаги қадимги Сўғднинг номи келтирилган. «Авесто»да Сўғд-Гава Сўғда деб аталган бўлиб, у «сўғд макони» терминига тўғри келади, лекин бу термин билан бутун Сўғд аталганми ёки унинг бир қисми, ҳозирча номаълум. (Ртвеладзе, 1986, 11-б, Сагдуллаев А.С. Ртвеладзе Э. В, 1983; Сулайманов Р.Х., 2000, 5-10-б.; Исамиддинов М. Х. 2002, 4-б.).

Баъзи олимларнинг фикрича Гава Сўғда макони Жанубий Сўғд-Қашқадарё ҳудудларига тўғри келади. Шунингдек, «Авесто»да Гава Сўғда аҳолиси кўп, чорвага бой ўлка сифатида таърифланади.

«Авесто»да Сўғд ҳақида «...Мен, Ахура-Мазда иккинчи энг яхши жой ва мамлакатни Гавани, сўғдийлар яшайдиган жойни яратдим» дейилади.

Янада қадимийроқ даврда тузилган «Митра мадхияси» («Михр Яшт») да Марв, Гава Сўғда ва яна Хоразм мамлакатлари тилга олинган. (История Узбекистана в источниках, 1984, 28-б.).

Эр.авв. 6-асрда аҳамонийлар кўпгина мамлакатлар қаторида Марказий Осиёдаги қадимги вилоятларни ҳам босиб олишган. Беҳустун тоғидаги баланд қоя тошларга Доро I ўзи босиб олган мамлакатларнинг номларини ёздириб қолдирган. Бу ёзувлардан маълум бўлишича, Ўрта Осиёда Доро I га Бактрия, Хоразм ва Сўғдиёна бўйсунган (История Узбекистана в источниках, 1984, 34-б.). Геродотнинг асарларидан бизга маълумки, аҳамонийлар босиб олган барча ўлкаларни сатрапликка бўлиб идора қилган. Унинг маълумотига кўра Ўрта Осиё ҳудудларида 3 та сатраплик ташкил этилган бўлиб, шулардан 12-сатрапликка-Марғиёна, Бактрия, 15-сатрапликка-саклар ва каспийлар, 16-сатрапликка-Сўғдиёна, Хоразм, Парфия ва Арея кирган. 16-сатрапликка киритилган парфияликлар, хоразмийлар, сўғдийлар ва арийлар Доро I хазинасига йилига 300 талант кумуш пул тўлаши керак эди (Қадимги Кеш-Шахрисабз тарихидан лавҳалар, 1998, 11-б.). Беҳустун ёзувларида Доро I ўзининг ҳарбий юришлари, қилган ишлари ҳақида фахрланиб мақтанган. Сузадаги Доро I ёзувида эса дабдаба билан «Шоҳ Доро сўзимиз... Ушбуни мен Сузда (қаср) бино қилдим. Унинг учун зеб-

зийнатлар олис жойлардан олиб келинди... Олтин Сар ва Бактриядан келтирилди. Ложувард, зумрад ва захармухра Сўғдиёнадан олиб келинди. Корамтир кўк зумрад Хоразмдан олиб келинди», дейилади. (История Узбекистана в источниках, 1984, 40-6).

Бу ҳақда аҳамонийларнинг қадимий пойтахти Персополь, Суза ва Эқбатан шаҳарлари ва улар атрофида топиб ўрганилган пишиқ сопол тахтачаларга ўйиб ёзилган китобларда ҳам, Сузада бунёд этилган сарой қурилишларида ишлатилган материаллар келтирилган ўлкалар ҳақида, шунингдек Сўғдиёна ҳақида гапирилади.

1931-1934, 1935-1939 ва ундан кейинги йилларда немис олими Э. Хецфильд, америкалик Э. Шмидт, француз А. Годар ҳамда М. Т. Муставфий ва А. Сомий тарафидан ўтказилган археологик тадқиқотлар натижасида Персополда жуда ноёб ёдгорликлар очилди. Ёдгорликларда тасвирий суратлар алоҳида аҳамият касб этади. Булар орасида бактрияликлар (турли идишлар, тери, мўйна ва туя билан), сўғдликлар (турли мато, тери ва қўйлар билан), саклар (от ва чакмонлар билан), парфияликлар (идишлар ва туялар билан) ва хоразмликлар (от ва қурол-аслаҳалар билан) тасвирлари ҳам бор. (Аҳмедов, 2001, 27).

Биз бундай ҳолатни Нақши Рустам ёдгорлигида ҳам кўришимиз мумкин. Унда ўлпон олиб келаётган халқлар қаторида Сўғдийлар ҳам тасвирланган. Бу эса эр.авв. 6-асрда Марказий Осиёнинг бошқа вилоятлари каби Сўғдиёна ҳам аҳамонийлар давлати таркибига кирганлиги ва унинг хўжалиги, аҳолиси ҳақидаги маълумотларни беради.

Сосонийлар даврида Ўрта Осиё билан Эрон ўртасида сиёсий қарама-қаршиликлар кучайиб борган, шунинг учун ҳам Ўрта Осиё вилоятлари ҳақидаги маълумотлар кўп учрайди. Бу ўз ўрнида ёзма манбаларда акс этган. Сосонийлар подшоҳи Шопур I даврида ёздириб қолдирилган ёзувлар «Каабе Зороастр» номи билан аталади. Бу ёзувларда Ўрта Осиёнинг қадимги вилоятлари Марв, Сўғд, Кушония ҳақида тўлиқ ёки қисман маълумотлар сақланиб қолган. (История Узбекистана в источниках, 1984, 42-6).

2. Жанубий Сўғдиёна тарихига оид Юнон ва Рим манбалари. Антик давр муаллифларидан Геродот, Помпей Трог, Арриан, Птоломей Клавдий кабиларнинг асарлари Марказий Осиё тарихига оид муҳим манбалардан ҳисобланади. Қадимги юнон тарихчиларидан бири Геродотнинг бу соҳадаги маълумотлари бой ва қизиқарлидир. Геродот ўз «Тарих»ининг биринчи ва учинчи китобларида бу ҳақда сўз юртади. Геродотнинг «Тарих»идаги учинчи китоб-«Талия»да (комедия музаси) Доронинг босиб олган юртларни 20 ўлкага (сатрапияга) бўлганлиги айтилади. (История Узбекистана в источниках, 1984, 55-6).

Машхур Рим тарихчиси Помпей Трог ўзининг 44 жилдлик «Филипп тарихи» асарида Марказий Осиё, шу жумладан Сўғдиёна ҳақида ҳам гапирилади. «Филипп тарихи» да скифлар, Бактрия, Искандар Зулқарнайн даврида Бактрия ва Сўғдда қурилган шаҳар ва катта иморатларга оид муҳим маълумотлар мавжуд. (Аҳмедов, 2001, 36).

Яна бир юнон тарихчиси Арриан Флавийнинг 7 жилдлик «Искандарнинг юришлари» номли китоби Марказий Осиё ва Эроннинг қадимги тарихини ўрганишда муҳим ҳисобланади.

Асарда Искандар Зулқарнайннинг истилочилик юришлари тарихи батафсил баён қилинган бўлиб, Сўғдиёнанинг Наутака ва Ксениппа вилоятларига ҳам алоҳида тўхталади.

Кўплаб қадимги ёзма манбаларда Сўғд ҳудуди чегараси ноаниқ ёки турлича кўрсатилган. Бу эса Сўғд ҳақидаги фикрларда чалкашликлар келтириб чиқади.

Сўғд чегараси ҳақидаги ишончлироқ маълумотни Арриан келтириб ўтади; «Шимолда Сўғд саклар ери билан, шимолий-шарқда эса Яксарт дарёси билан чегараланган» (Исамиддинов, 2002, 5-бет).

«Сўғд» ўлкаси, сўғдликлар тўғрисида Авестодан бошлаб, Аҳамонийлар қоятошларидаги тасвирлари, антик давр ёзувларидаги манбалар Сўғд вилояти ва унинг чегараларини донмий ўзгариб борганлигини кўрсатади. Сўғд деганда илк антик давр ёзма манбаларига кўра Амударё билан Сирдарё ўртасидаги катта ҳудудларни тушунамиз. (Исамиддинов, 2002., 4-10-6).

Тарих саҳнасига кушонлар империяси келгандан кейин Қашқадарё вилояти билан Сурхондарё ўртасидаги Дарбанд қадимги Сўғд билан Бактрия ўртасидаги чегарага айланади. Илк ўрта асрларда Кеш воҳаси бутун Сўғдиёнанинг асосий пойтахтига айланганлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳам бор. Яъни милоднинг 605-616-йиллари Кешнинг ўрнидаги шаҳар Шў ёки Ши деб аталиб, унинг ҳокими Ди-чже Сўғддаги энг кучли, Хитой билан

дипломатик алоқани ўрнатган вилоят сифатида Хитой манбаларида таърифланган. 618-907-йй. Жанубий Сўғда ўтказилган унча катта бўлмаган реформалардан кейин Шу ўлкаси хитой манбаларидан «Таншу» да Кюй-ша, ёки Кйе-шуаўна деб номланиб бу ўлкага На-шэ бо ёки Нахшабни ҳам кирганлиги тўғрисида маълумот бор. (Бичурин Н. Я., 1953, с. 316).

Ўрта асрлардан бошлаб Сўғд дейилганда асосан Зарафшон Сўғди, 18-19-асрларда эса Самарқанд воҳасининг шимолий қисмлари тушунилган. (Исамиддинов, 2002, 4-10-б.).

Бу ҳақда Квинт Курций Руфнинг 10 китобдан иборат «Буюк Искандар тарихи» номли асарида ҳам айтиб ўтилган.

Машҳур қомусий олим Клавдий Птоломей тарих ва бошқа соҳаларга оид асарлар ёзиб қолдирган. Птоломейнинг «География» асарида Гирканиа, Марғиёна, Бактрия Сўғдиёна ҳамда скифлар мамлакатининг географик ҳолати, Бактрия ва Сўғдиёнанин машҳур шаҳарлари, шунингдек ўша мамлакатлар ва улар билан туташ ўлкалар уларнинг аҳолиси ҳақида асл ва қимматли маълумотлар келтирилган. (Аҳмедов, 2004).

3.Хитой ёзма манбалари Жанубий Сўғд ҳудудидаги қадимий шаҳарларнинг хитойча номлари қадимги хитой йилномалари ва тарихий асарларида сақланиб қолган бўлиб бу маълумотлар бизга қадимда қандай шаҳарлар бўлганлиги, аҳолиси, ҳужалиги ва иқтисодий ривожланиши ҳақида хабар беради. Хусусан, «Катта Хан сулоласи тарихи» «Бейшу» йилномасида, Ли Янь Шоу қаламига мансуб «Таншу» йилномасид қимматли маълумотлар берилган. «Катта Хан сулоласи тарихи»да Кеш Сусе ёки Сух номи билан эсланади. В.В. Бартольд хитой солномаларида учрайдиган Сусе номи балки Сўғднинг қадимги номи Сугуднинг хитойча айтилиши бўлиши мумкин. (Қамолитдинов, 1996, 14).

4.Араб тилидаги ёзилган манбалар. Бу гуруҳга кирувчи манбалар асосан Марказий Осиёнинг араблар томонидан истило қилинишидан кейин пайдо бўла бошлаган. Дастлаб Сўғдиёна ҳудудининг араб ёзма манбаларида Нахшаб ёки Кеш номлари аталган қисми ҳақидаги хабарлар араб сайёҳлари томонидан битилган асарларда учрайди. Араб муаллифларидан Ёқубий, Истахрий, ал-Муқаддасий, Ибн Ҳавқал ва бошқаларнинг маълумотлари ўрта асрлардаги Жанубий Сўғд шаҳарларини ўрганишда муҳим ҳисобланади. Араб муаллифлари ўз фикрларини энг аввало шаҳарларнинг топографияси ва тарихига, шунингдек, асосий дарвозаларининг сони ва жойлашуви, қаратишади. Сугориш манбалари-дарёлар, каналлар, ерларнинг ҳосилдорлиги, йириш аҳоли манзилгоҳлари оралиғидаги масофаларга қаратилади. (Қадимги Кеш-Шаҳрисаб тарихидан лавҳалар 1998, 31-б.).

Ўрта асрлар муаллифларидан бири Ёқубий Сўғд ҳудудига Бухоро, Кеш ва Насафни киритади. Ёқубий Сўғднинг пойтахти Самарқандлигини кўрсатиб ўтиши билан бирга, бошқа бир жойда Кеш етакчилик қилишини айтиб ўтади. (Исамиддинов 2002, 5-бет).

Ўрта аср ёзма манбалари Сўғд номидан иккита маънони тушунишган. 1). Сўғд жуд кенг маънода 2). Сўғд тор маънода. Шу билан бирга Бухоро ва Самарқанд Сўғди тўғрисидаги тушунчалар бор эди. Жумладан ибн Ёқутда шундай жумла бор: «Айтишларича иккита Сўғд бор: Самарқанд Сўғди ва Бухоро Сўғди». Ҳамма ўрта аср ёзма манбаларида Қашқадарё Сўғди Сўғднинг бир қисми сифатида қаралган. Ҳамда Жанубий Сўғднинг Кеш вилояти бутун Сўғднинг маркази сифатида қаралиб унинг пойтахти Самарқанднинг жанубий қисмларидан дарвоза билан беркитилган «Темир дарвозагача бўлган жойлар кирган. (Wäussig Н. W., 1956).

10-асрда Жанубий Сўғд тарихига оид араб тилида бир қанча асарлар яратилган бўлиб, булардан «Китаб муфакхрат аҳл Насаф ва Қашш» номли асар муҳим аҳамиятга эга. Унинг муаллифи Абул-Ҳарас Асад ибн Ҳамдувайъ ал-Варсиний ан-Насафийдир (вафоти 315-х.й, 927-милодий). Кеш ва Насаф тарихига доир бўлган б асар бизгача етиб келмаган. Насаф шаҳрининг ёнида бўлган Варсин қишлоғид туғилган Абул-Ҳарас йирик тарихчи бўлиб етишган эди. Унинг бу китобидан вақтида араб муаррихлари, хусусан, Самъоний фойдалангани бизга маълум.

XI-асрда Насафда яшаган Абул-Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Мустағфирин ан-Насафий (вафоти 432-хижрий, 1041-милодий) икки томдан иборат «Насаф ва Кеш тарихи» асарини ёзган (Қамолитдинов, 1996, 48). Афсуски, у ҳам бизгача етиб келмаган ва бу асар ҳақида Самъонийнинг асарида келтирилган парчалардангина биламиз.

Қашқадарё воҳаси шаҳар ва қишлоқлари мўғуллар истилоси даврида ўта оғир тушқинликни, вайронагарчиликларни ўз бошидан кечиради. 12-аср тарихис

Самъонийнинг «Китаб ал-ансоб» асарида кўрсатилган 75 кишлоқдан жуда озгинаси кейинги асрларга етиб келади. Насаф атрофидаги Варсин ва бошқа кишлоқлар тамомила вайрон этилади. Бунга археологик қазилар чоғида чиққан материаллар ҳам тасдиқлайди. Самъонийнинг «Китаб ал-ансоб» асарида Насаф ва Кеш вилоятларидаги кишлоқларнинг айримларигина бугунги кунга қадар ўзларининг қадимий номини сақлаб қола олганлиги мисол бўла олади. Фикримизча, муғуллар босқинидан кейин бу кишлоқларнинг кўпчилиги ўзларини ўнглай олмасдан, ҳаёт билан видолашган бўлса керак, қолганлари қадимги қалъаларни ёвуз урушга дош бера олмаслигини билиб ҳозирги кишлоқлар ўрнига ўтишган.

Жанубий Сўғд тарихига оид манбалар асосан мана шу гуруҳлардан иборат деб ҳисобласак бўлади. Бундан ташқари арман ва бошқа манбаларда ҳам бу ҳақда маълумотлар бор. Бу манбалар орқали Жанубий Сўғднинг тарихига оид бўлган муҳим ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жараёнлар туғрисида фикр юритиш мумкин бўлади.

Шундай қилиб, Жанубий Сўғднинг ўтмиши ҳақида хабар берувчи ёзма манбалар турли-туманлиги, ўзига хос ва қизикарли маълумотлар бериши билан бири-бирдан фарқ қилади.

Адабиётлар

1. Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. - Т: «Ўқитувчи» нашриёти, 2001. - 27-36-бетлар.
2. Ртвеладзе Э., Сағдуллаев А. Памятники минувших веков. - Т: «Ўзбекистон» нашриёти, 1986. - 11-бет.
3. Қадимги Кеш-Шахрисабз тарихидан лавҳалар.-Муаллифлар жамоаси - Т: «Шарк», 1998. 31 - бет.
4. Камалиддинов. Ш. С. Историческая география Южного Согда и Тахаристана по арабоязычным источникам 9-начало 13 вв. - Т: «Ўзбекистон», - 14-ст.
5. История Узбекистана в источниках. Сост Лукин Б. В. - Т: «Фан», 1984.
6. Исамиддинов. М. Х. Истоки городской культуры Самаркандского Согда. - Т: Изд-во народного наследия имени А. Кадыри, 2002.
7. Сағдуллаев А.С., Ртвеладзе Э. В. В стране золотого огня. - Т: «Фан», 1983. - 55-б.
8. Сулаймонов Р.Х. Древний Нахшаб. - Т: «Фан», 2000.
9. Камалиддинов Ш.С. «Китаб ал-ансоб» Абу Саъда Абдалкарима ибн Мухаммада ас-Самаъни қасбистончи по истории и истории культуры Средней Азии. - Т: «Фан», 1993.
10. История ат-Табари. - Т: «Фан», 1987. - 441 б.
11. Арриан. Поход Александра. Перевод с древнегреч М.Е.Сергеенко. - М., Л.:«Наука», 1962. - 385 б.
12. Бичурин Н.Я. (Иакинв). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. - М.: Л.: Изд-во АН СССР, 1953, 2 том.
13. Wauissig H. W. - Die Quelle über die zentralasiatische herkunft der europäischen Awaren. - CAI, vol. II.pt. 1, 1956.